



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 29 » декабрь

№ ПК–394

Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш ва самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги “Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–201-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан:**

- I. Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари**
 - 1. Стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**
 - 2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ стратегик режалаштириш ҳужжатларининг самарадорлик кўрсаткичларини мониторинг қилиш Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (dashboard) (кейинги ўринларда – Рақамли платформа) орқали амалга оширилади. Бунда:**
 - (а) мақсадли кўрсаткичларга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига эришиш бўйича ҳақиқий маълумотлар, натижалар ва тасдиқловчи ҳужжатлар доимий равишда киритиб борилади;**

- (б) миллий даражадаги кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатларининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича **давлат органлари рейтинги** тузилади ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан **Давлат органлари фаоллигининг миллий рейтингини** шакллантиришда инобатга олинади;
- (в) соҳа, тармоқ, ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни (чора-тадбирлар, “йўл хариталари”, режалар ва бошқалар) назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги **маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалалар** вазирлик ва идоралар томонидан Рақамли платформанинг тегишли модулидаги маълумотларга боғлаш орқали **асослантирилади**;
- (г) Рақамли платформада соҳа, тармоқ, ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалалар асослантирилмаган лойиҳа Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **келишилмайди**.

II. Стратегик ривожланишга қаратилган ташаббусларни янгича ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

- 3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан ҳудудларни ривожлантириш бўйича таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш **аҳоли, тадбиркорлик субъектлари** ва **жамоатчилик вакиллари** иштирокини таъминлаган ҳолда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида тузилган **“Ислохотлар штаблари”** билан яқин ҳамкорликда қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- (а) ҳар бир ҳудуднинг **табiiй, иқтисодий** ва **инсон ресурсларига** кўра **ихтисослашувини** белгилаш;
- (б) ҳар бир ҳудуд учун ишончли ва тўлиқ маълумотлар асосида соҳа ва тармоқлар кесимида **ривожланиш стратегияларини** ишлаб чиқиш;
- (в) **иқтисодий номутаносибликларни** камайтириш, бунда оғир тоифадаги туман ва шаҳарлар учун алоҳида **солиқ, молиявий** ва **инфратузилмавий имкониятлар** яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(г) **ҳудудлараро ҳамкорлик ва кооперацияни** ривожлантириш, йирик шаҳарлар ва атрофидаги ҳудудлар ўртасида иқтисодий ва инфратузилмавий алоқаларни кучайтириш;

(д) ҳудудларда бошқарувни тўлиқ **рақамлаштириш**, шу жумладан, **геоахборот тизимлари** (GIS), очиқ маълумотлар платформалари ва **интерактив онлайн кузатув воситаларини** жорий қилиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари **ҳар ойда** тегишли давлатларнинг илғор тажрибаси ва амалиёти тўғрисидаги батафсил маълумотни Агентликка тақдим этиб боради;

(б) Агентлик дипломатик ваколатхоналар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, консалтинг компаниялар, хорижий илмий-тадқиқот ва экспертлик муассасалари ҳамда мутахассисларнинг ахборот ва ҳисоботлари асосида **маълумотлар базасини** шакллантиради;

(в) маълумотлар базаси асосида Агентлик тегишли лойиҳа офислари ҳамда таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари билан биргаликда **таклиф ва ташаббуслар бўйича ахборот-таҳлилий маълумотномани** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам киритиб боради.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

5. Стратегик режалаштириш соҳасида Агентликка юклатилаётган қўшимча вазифалардан келиб чиқиб, **2026 йил 1 январдан** бошлаб мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига Агентликка қўшимча **10 та бошқарув ходими штат бирлиги ажратилсин** ва талаб этиладиган қўшимча харажатлар Агентликка 2026 йилда ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилсин.

6. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги тузилмаси** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Агентлик:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда маҳаллий ва чет эллик экспертларни жалб этган ҳолда **2026 йил 1 декабрга** қадар илғор хорижий тажриба асосида мамлакатнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий мақсадларини белгиловчи **концепция** ва бошқа **стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин**. Бунда **узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиялари** чуқур ўрганилиши ҳамда аҳоли ўртасида **сўровномалар ўтказиш** орқали янги ташаббуслар ишлаб чиқилиши инobatга олинсин;

(б) Ҳисоб палатаси билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан хорижий консультант ва экспертларни ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан жалб қилиш ишларини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон **Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини** киритсин.

8. Агентлик ва унинг тузилмасидаги **лойиҳа офислари** беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳри Ислom Каримов кўчаси 43-уйдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг биносига жойлаштирилсин.

9. Вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари фаолиятининг **асосий йўналишлари** ва уни йўлга қўйишнинг бошқа ташкилий масалалари **4-иловадаги тартиб-таомилларга мувофиқ** белгилансин.

10. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йилдан бошлаб **ҳар йили** ижтимоий-иқтисодий, технологик, гуманитар, экологик ва бошқа соҳалардаги долзарб муаммолар ҳамда замонавий чақириқларга бағишлаб таҳлил марказлари ва илмий-тадқиқот муассасалари иштирокида **Тошкент глобал тараққиёт форумини** ўтказиб бориш амалиёти жорий қилинади.

11. Тошкент глобал тараққиёт форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмита** 5-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

12. Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

- 13.** Агентлик Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой** муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.
- 14.** Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик режалаштириш
ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга
оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида
низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида стратегик режалаштириш ҳужжатлари, уларнинг иерархияси ва ўзаро нисбатини, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан стратегик режалаштириш ҳужжатларини ягона, комплекс ва тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқиш, ҳисобот бериш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисоботларни ўрганиш, стратегик режалаштириш ҳужжатининг бажарилишини баҳолаш, шунингдек, мазкур жараёнларни ташкил қилишни мувофиқлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

стратегик режалаштириш – давлат органлари, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари, самарадорлик кўрсаткичларини белгилашга, шу жумладан, уларга эришиш ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган принциплар, мақсадлар ва ҳаракатларни белгилаш ҳамда стратегик режалаштириш ҳужжати сифатида қабул қилишга қаратилган жараён;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари – қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, давлат кўрсатмалари сифатида стратегик режалаштиришни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ва зарур ташкилий чораларни белгилайдиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган расмий ҳужжат;

стратегик режалаштириш ҳужжатини тайёрлаш ва қабул қилиш – стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ташаббус қилиш, режалаштириш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишни қамраб оладиган жараён;

стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш – қабул қилинган стратегик режалаштириш ҳужжатининг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва унга мутаносиб ҳолатда бўлаётган ўзгаришлар мунтазам мониторинг қилиниб, натижалари бўйича ҳисобот тайёрланадиган ва ҳисоботлар ўрганиб бориладиган жараён;

стратегик режалаштириш ҳужжатининг бажарилишини баҳолаш – белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш даражаси ва динамикасини, уларга эришиш жараёнида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, қўйилган мақсадларнинг стратегик аҳамияти ҳамда улар орқали эришилган натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, баҳолаш натижалари асосида ҳисобот тайёрлаш ва заруратга кўра режалаштирилган тадбирларга тузатишлар киритиладиган жараён;

самарадорлик кўрсаткичлари – стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган мақсадларга эришиш даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган ўлчовли индикатор бўлиб, стратегик мақсадларнинг бажарилиши, аниқ вазифаларнинг амалга оширилиши ва чора-тадбирларнинг ижроси даражасини баҳолаб, мақсадларга эришилганлиги ёки эришилмаганлигини ҳамда амалга оширилган тадбирлар доирасида қандай натижалар қўлга киритилганини аниқлаш учун хизмат қилади;

бевосита фаолият натижаси (output) кўрсаткичлари – стратегик режалаштириш ҳужжати доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва фойдаланилган ресурсларнинг бевосита ва аниқ натижаларини ўлчайдиган кўрсаткич;

натижа (outcome) кўрсаткичлари – стратегик режалаштириш ҳужжати доирасидаги фаолият натижасида юзага келган қисқа ва ўрта муддатли таъсирларни ифодаловчи ҳамда амалга оширилган чора-тадбирлар, ҳаракатлар туфайли юзага келган ўзгаришларни акс эттирувчи кўрсаткич;

таъсир (impact) кўрсаткичлари – стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш доирасида эришиладиган натижаларнинг узоқ муддатли ва барқарор таъсирини акс эттирувчи ўлчовли кўрсаткич.

3. Стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

инсон манфаатларини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш принципи – стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнининг асосий ўстувор мақсади бўлиб, стратегик режалаштириш ҳужжатларининг ишлаб чиқилишида инсон манфаатлари, халқ фаровонлиги ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган вазифалар акс эттирилиши ҳамда фуқароларнинг стратегик режалаштириш ҳужжатларини шакллантириш, амалга ошириш ва натижаларини баҳолашда фаол иштирок этишини назарда тутди;

мувофиқлик (уйғунлик) принципи – стратегик режалаштириш ҳужжатида уни қабул қилиш зарурати етарлича асосланган бўлиши, стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархиясига риоя этган ҳолда юқори даражадаги стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган ўстувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиши, тармоқ/соҳа ва ҳудудий стратегиялар билан мувофиқликни таъминлаши ҳамда уларнинг мақсад ва вазифалари жиҳатидан бир-бирини тўлдириши, ўзаро мос келиши ва зиддиятга йўл қўймаслиги лозимлигини белгилайди;

иқтисодий самарадорлик принципи – стратегик режалаштириш ҳужжатларида давлат сиёсати сифатида чора-тадбирларни амалга оширишдан келиб чиқадиган фойда қилинган харажатларни оқлаши лозимлиги уларни танлашда ҳисобга олинишини назарда тутати;

молиявий барқарорлик принципи – стратегик режалаштириш ҳужжатлари бюджетлаштириш жараёни билан синхрон ҳолда етарли молиявий ресурсларга боғлиқ ишлаб чиқилиши, ундаги мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлари ва чора-тадбирлар молиявий, иқтисодий, моддий-техник ва инсон ресурсларини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозимлигини назарда тутати;

ҳисобдорлик принципи – барча стратегик режалаштириш ҳужжатларида уларни амалга ошириш, мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш учун масъул (ташкилот ёки шахслар) белгиланганлигини назарда тутати;

шаффофлик принципи – стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилиши бўйича мониторингини олиб боришда кенг жамоатчилик ва экспертларни жалб қилган ҳолда шаффоф жараённи (давлат сирлари, тижорат сири ва қонун билан муҳофаза қилинадиган сир бўлган бошқа ҳужжатлар бундан мустасно) таъминлашни назарда тутати;

узлуксиз режалаштириш принципи – режалаштириш, мониторинг ва самарадорликни баҳолаш жараёнларида ҳар бир янги стратегик режалаштириш ҳужжати олдинги стратегик режалаштириш ҳужжатларига ва амалга оширилган давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш натижаларига асосланганлигини белгилайди;

мазмунга қўйилган муҳим талабларнинг тўлиқлиги принципи – стратегик режалаштириш ҳужжатлари мазмунида мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча масалалар ва механизмларнинг қамраб олиниши зарурлиги белгилайди.

4. Давлат органлари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари биринчи навбатда стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган самарадорлик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

5. Стратегик режалаштириш ҳужжатини ишлаб чиқиш, маълумотларни тўплаш, унинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва геохаритада акс эттириш, ҳисобот тайёрлаш, ҳисоботни ўрганиш ва баҳолаш, стратегик режалаштириш ҳужжатларига тузатишлар киритиш тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Стратегик режалаштиришнинг рақамли платформаси (dashboard) (кейинги ўринларда – Рақамли платформа) орқали амалга оширилади.

6. Рақамли платформанинг таркибий модуллари, унинг функцияларини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотларининг вазифалари рўйхати мазкур низомнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

Рақамли платформадан фойдаланиш учун ҳар бир вазирлик ва идорага Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан алоҳида логин ва пароль берилади.

Вазирлик ва идора раҳбари Рақамли платформадан фойдаланиш ва тегишли маълумотларни киритиб бориш учун масъул бўлган ходимларни белгилайди ва уларнинг ҳисобини юритади.

7. Рақамли платформада:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари мақсадларига масъул бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир самарадорлик кўрсаткичи, шу жумладан, бевосита фаолият натижаси (output), натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичларига эришиш бўйича ҳақиқий маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар доимий равишда киритиб борилади;

давлат органлари томонидан мамлакат миқёсида тармоқларни ривожлантиришда талаб этиладиган давлат маблағлари юзасидан демография, атроф-муҳит, иқлим ўзгариши, миграция, урбанизация ва бошқа омиллар билан боғлиқ аниқлик киритилади;

маълумотлар стратегик режалаштириш ва давлат инвестицияларини бошқаришнинг ягона ахборот экотизимини шакллантириш мақсадида барча тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари билан “Электрон ҳукумат” тизими доирасида интеграция қилиш орқали, шунингдек, кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда тўпланади;

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва кейинги стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган мақсадлар, вазифалар ва асосий самарадорлик кўрсаткичлари Рақамли платформада геоахборот шаклида визуал акс эттирилади ҳамда давлат инвестицияларининг мақсадли сарфланиши мониторинг қилинади ва баҳоланади;

ривожланиш билан боғлиқ дастурлар (чора-тадбирлар, “йўл хариталари”, режалар ва бошқалар) назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги (шу жумладан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларидаги) маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалалар Рақамли платформанинг “Геопортал” модулидаги маълумотларга боғлаш орқали асослантирилади ҳамда мазкур жараёнда лойиҳа ташаббускорига асослантириш учун зарур бўлган бошқа вазирлик ва идоралардаги маълумотлар Агентлик сўровига асосан Рақамли платформага киритиш орқали тақдим этилиши шарт бўлиб ҳисобланади;

миллий даражадаги кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатларининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича давлат органлари рейтинги шакллантирилади ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан Давлат органлари фаоллигининг миллий рейтингини шакллантиришда инобатга олинади;

вазирлик ва идоралар томонидан Рақамли платформанинг “Геопортал” модулига жойлаштирилдиган барча маълумотлар, уларнинг метамаълумотлари, атрибутлар рўйхати, формат, янгиланиш даврийлиги ва ахборот тузилмаси Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Рақамли платформа ва унинг техник топшириғини ишлаб чиқиш, ишга тушириш, техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бюджетдан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан қоплаб борилади.

9. Рақамли платформани “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказига жойлаштириш ва сақлаш бепул асосда амалга оширилади.

Агентлик Рақамли платформанинг ягона ишлаб чиқувчиси ва оператори бўлиб ҳисобланади.

2-боб. Стратегик режалаштириш босқичлари ва субъектлари, стратегик режалаштириш ҳужжатларининг иерархияси

10. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этиш мазкур Низом ҳамда қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишга оид белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

11. Стратегик режалаштириш жараёнлари қуйидаги 4 босқичдан иборат:

биринчи босқичда жорий вазият таҳлили асосида стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси тайёрланади ва қабул қилинади;

иккинчи босқичда стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган тадбирлар амалга оширилади;

учинчи босқичда стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилиши мониторинг қилинади, ҳисобот берилади ва ҳисоботлар ўрганилади;

тўртинчи босқичда стратегик режалаштириш ҳужжатининг бажарилиши самарадорлиги баҳоланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, давлат таҳлилий марказлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг стратегик режалаштириш ва ривожланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган идоралараро коллегиял орган ҳисобланади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, технологик, гуманитар, экологик ва бошқа соҳалардаги долзарб муаммолар ҳамда чақириқларни таҳлил қилиш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатни стратегик ривожлантириш бўйича ғоя ва ташаббусларни шакллантириш;

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси, концепциялар, стратегиялар ва дастурлар (“йўл хариталари”, чора-тадбирлар режалари) билан мувофиқлигини таъминлаш нўқтаи назаридан стратегик ташаббусларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишни мувофиқлаштириш;

концепциялар, стратегиялар ва дастурларнинг (“йўл хариталари”, чора-тадбирлар режалари) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадлари билан тўлиқ боғлиқлиги ва уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг амалга оширилиши самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш;

жамият ва давлат ҳаётининг турли соҳалари кесимида мамлакат ривожланишини узоқ муддатли режалаштириш бўйича фаолиятни ташкил этиш.

13. Стратегик режалаштириш субъектлари ҳисобланадиган вазирлик ва идоралар (миллий даражадаги, республика даражасидаги (вазирликлар, алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари) ва ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари) рўйхати Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

14. Агентлик стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини ташкил этиш, уни самарали жорий қилишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқиш, шунингдек, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат орган ҳисобланади ҳамда унинг бу борадаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда вазирликлар ва идораларни услубий қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш тизими бўйича тавсиялар ва услубий кўрсатмалар тайёрлаш;

илғор халқаро тажриба ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг стратегик режалаштириш ва ривожланиш ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва иерархияга мувофиқ ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ижросини мониторинг қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

стратегик режалаштириш ҳужжатларини амалга ошириш бўйича тақдим этилган ҳисоботларни текшириш йўли билан хулоса бериш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

стратегик режалаштириш ҳужжатларининг мақсадларига эришилишини мониторинг қилиш.

15. Вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнлари вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари (кейинги ўринларда – Таркибий бўлинмалар) томонидан мувофиқлаштирилади ва улар билан мажбурий тартибда келишилади.

Таркибий бўлинмаларнинг стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш борасидаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари иерархия ва қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқиладиганлигини текшириш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари ва талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжатларининг амалга оширилиши мониторинг қилинишини мувофиқлаштириш, тайёрланган ҳисоботларни дастлабки тарзда ўрганиш ҳамда Агентликка тақдим этиб бориш;

ҳисобот натижалари асосида стратегик режалаштириш ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва ҳисоботлар тўғрисидаги ахборотларни тизимли равишда сақлаш.

Таркибий бўлинмалар вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш ҳужжати ҳисобланмайдиган стратегияси ва иш режаларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш функцияларини ҳам амалга оширади.

16. Стратегик режалаштириш ҳужжатларининг иерархияси қуйидагича белгиланади:

а) биринчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари мамлакатни, унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришда давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ устувор йўналишларни, бошқарувнинг концептуал ёндашувларини белгиловчи концепциялар шаклида қабул қилинади. Бунда концепция мувофиқлаштириш, ресурслар билан таъминлаш ва уларни амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг умумий механизмларини ўз ичига олган муайян стратегияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади;

б) иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакат, ҳудуд, тармоқ ёки давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳасини ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, мақсадли кўрсаткичларига эришишга қаратилган ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ белгиланган механизмлари ва ресурсларини ўз ичига олган стратегиялар шаклида қабул қилинади ва қуйидаги кетма-кетликка риоя қилинади:

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда кейинги йиллар учун қабул қилинадиган мамлакатни кенг қамровли ривожлантириш стратегиялари;

барқарор ривожланиш соҳасидаги кенг қамровли миллий мақсад ва вазифалар;

республика ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемалари, агломерацияларни ривожлантириш стратегияси;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалардан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятлари;

тармоқ, соҳа ва (ёки) ҳудудларни ривожлантириш стратегиялари;

Ўзбекистон Республикасининг фискал стратегияси;

в) учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари биринчи ва иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларининг мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилган ўзаро боғлиқ батафсил чора-тадбирлар мажмуини белгиловчи дастурлар (“йўл хариталари”, чора-тадбирлар режалари) шаклида қабул қилинади ва қуйидагилардан иборат:

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда кейинги йиллар учун қабул қилинадиган мамлакатни ривожлантириш стратегияларини амалга ошириш тадбирлари ва механизмлари тизимини белгиладиган Давлат дастурлари;

бир ёки бир нечта ҳудуд, тармоқ ёки соҳани ривожлантириш стратегияларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва механизмлар тизимини белгиладиган давлат дастурлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш дастурлари, “йўл хариталари” ёки чора-тадбирлар режалари.

17. Биринчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари 7 йилдан ортиқ муддатга ишлаб чиқилади ва қоида тариқасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тасдиқланади.

Иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари 4 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан тасдиқланади. Бунда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва бошқа шу каби кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатлари нисбати бўйича муайян ёки бир неча соҳа, тармоқ ёки ҳудуд бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларидан юқори бўлиб ҳисобланади.

Учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга ишлаб чиқилади ва қуйидаги тартибда тасдиқланади:

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва бошқа шу каби кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари;

иккинчи даражали бошқа стратегик режалаштириш ҳужжатларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинади.

3-боб. Стратегик режалаштириш ҳужжатини ишлаб чиқиш тартиби

18. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини қабул қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишга оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидаларга ҳамда мазкур Низомнинг 2-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

19. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг лойиҳасини тайёрлашда қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлашда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар билан бир қаторда, стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини тайёрловчи ташкилот (кейинги ўринларда – Ишлаб чиқувчи) томонидан қуйидаги қўшимча тадбирлар амалга оширилади:

стратегик режалаштириш ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда Ишлаб чиқувчи томонидан келишувга кўра таркибига Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, илмий тадқиқот институтлари, таҳлил марказлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, хорижий консультант ва экспертлар ҳамда Таркибий бўлинмалар вакиллари киритилган ишчи гуруҳи тузилади ва бу ҳақида мазкур вазирлик ва идоранинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларда эълон берилади;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ишчи гуруҳ тайёрлаган лойиҳа тегишли материаллар билан биргаликда мазкур Низомнинг 3-иловасидаги Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини ўрганиш бўйича назорат варақасига асосан дастлабки сифат текширувидан ўтказиш учун Агентликка юборилади;

ҳуқуқий экспертиза якунлари бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳасини якуний сифат текширувидан ўтказиш учун Агентликка юборилади;

Агентликнинг дастлабки ва якуний сифат текшируви хулосасига мувофиқ стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси қайта ишланади ҳамда лойиҳа сифат текшируви бўйича Агентликнинг ижобий хулосасидан кейин келишиш учун бошқа ташкилотларга юборилади ёки тегишли ваколатли органга киритилади.

20. Биринчи ва иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатини ишлаб чиқишда Ишчи гуруҳ томонидан қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлашда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар билан бир қаторда қуйидагилар амалга оширилади:

мавжуд муаммолар ва уларнинг асосий сабаблари аниқлаштирилади, ички ва ташқи омилларни баҳолаш ҳамда илгари амалга оширилган ислохотлар, қабул қилинган стратегиялар ва бошқа ҳужжатларнинг таҳлили самарадорлиги натижаларига (шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш ҳисоботларига) асосланган ҳолда ишларнинг жорий ҳолати таҳлили амалга оширилади;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишда устувор мақсадлар ва мавжуд ресурсларга мувофиқ долзарблиги, аҳамияти ёки ҳажмига кўра ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар танлаб олинади;

тегишли соҳадаги таҳдид ва кутилмалар таҳлил қилинади, ички ва ташқи омиллар инobatга олинган ҳолда прогноз ва сценарийлаштириш амалга оширилади;

танлаб олинган ва ҳал этилиши лозим деб топилган муаммолар бўйича жорий ҳолатдаги вазиятдан келиб чиқиб, эришилиши кўзланаётган натижалар ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар аниқлаштирилади;

аниқланган муаммолар ва уларнинг сабабларидан келиб чиққан ҳолда стратегик режалаштириш ҳужжатининг асосий мақсад ва вазифалари белгиланади ва шакллантирилади;

кўзланган мақсадларга эришиш даражасини ўлчаш усуллари ва самарадорлик даражасини акс эттирувчи натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичлари белгилаб олинади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайдиган механизмлар ва вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар (усул ва воситалар), бажариш муддатлари, талаб этиладиган инсон ва молиявий ресурслар, молиялаштириш манбалари, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар (мансабдор шахслар), самарадорликнинг бевосита фаолият натижаси (output), натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичлари акс эттириладиган режа тайёрланади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда режалаштирилган тадбирларни (ислоҳотларни) амалга ошириш ва кутилаётган ўзгаришларга эришиш учун зарур бўлган молиявий харажатлар ҳисоб-китоб қилинади ва молиялаштириш манбалари аниқлаштирилади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда мониторинг ва ҳисобот бериш механизми белгиланади, бунда маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва ҳисобот учун масъуллар, шунингдек, мониторинг даврийлиги ва муддатлари ҳамда умумлашган ҳисоботни тайёрлаш учун масъуллар аниқ кўрсатилади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш ҳужжатларини баҳолаш механизми ва муддатлари белгиланади.

21. Биринчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларининг:

а) мазмуни стратегик режалаштиришнинг асосий принципларига мос бўлиши ва қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархияга мувофиқ ишлаб чиқилиши, ўзаро зид бўлмаслиги ва заруриятга кўра бир-бирини тўлдириши;

концептуал ғоя, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиши;

мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлари ва чора-тадбирларни мониторинг қилиш механизмлари белгиланган бўлиши;

б) тўзилмасида қўйидагилар алоҳида боб сифатида кўрсатилиши керак:
жорий ҳолат таҳлили;

концептуал ғоя, мақсад ва вазифалар;
тамойиллар ва ёндашувлар;
асосий йўналишлар;
кутилаётган натижалар;
мониторинг ва ҳисобот бериш механизмлари.

22. Иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларининг:

а) мазмунини стратегик режалаштиришнинг асосий принципларига мос бўлиши ва қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархияга мувофиқ ишлаб чиқирилиши, ўзаро зид бўлмаслиги ва заруриятга кўра бир-бирини тўлдирилиши;

мақсад ва вазифаларни, самарадорлик кўрсаткичлари ва чора-тадбирларни ҳамда уларнинг қийматини баҳолаган ҳолда амалга ошириш имконияти мавжудлиги;

стратегик режалаштириш ҳужжатининг ўзида тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмлари белгиланганлиги;

ҳар бир мақсад ва вазифаларнинг ўлчаш имконияти мавжуд бўлган самарадорлик кўрсаткичлари белгиланганлиги;

чора-тадбирлар белгиланган мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичларга эришишга қаратилганлиги;

чора-тадбирларни амалга ошириш учун реал муддатлар белгиланганлиги;

мақсад ва вазифалар ҳамда чора-тадбирлар молиявий, моддий-техник, инсон ва бошқа ресурслар билан таъминланганлиги;

мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлар ва чора-тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмлари белгиланганлиги;

б) тузилмасида қуйидагилар алоҳида боб сифатида кўрсатилиши керак:

жорий ҳолат таҳлили;

мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлари;

стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга оширишдан кутилаётган натижалар;

мониторинг ва ҳисобот бериш механизмлари;

баҳолаш механизмлари;

в) чора-тадбирлар режаси боби мазкур Низомнинг 4-иловасидаги намунага мувофиқ шаклда ишлаб чиқилади ва унда қуйидагилар акс эттирилади:

таъсир (impact) ва натижа (outcome) кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги, ҳисоблаш формуласи, бошланғич кўрсаткич, йиллар кесимида оралиқ кўрсаткичлар, якуний кўрсаткич, маълумотлар манбаси ва уни тақдим этилишига масъул бўлган вазирлик/идора, маълумотларни тақдим этиш даврийлиги;

бевосита фаолият натижаси (output) кўрсаткичи бўйича чора-тадбир номи, мазкур чора-тадбирни амалга ошириш натижаси, ўлчов бирлиги, бошланғич кўрсаткич, якуний кўрсаткич, молиялаштириш ҳажми ва унинг манбаси, чора-тадбир ижросига масъул ташкилот/идора, ижро этилганлигини аниқлаштириш бўйича маълумотлар манбаси ва уни тақдим этилишига масъул бўлган вазирлик/идора, бажариш муддати.

г) миллий даражадаги кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатлари доирасига кирувчи лойиҳаларда жорий ҳолат таҳлили ва чора-тадбирлар режасининг акс эттирилиши талаб қилинмайди.

23. Учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар учун белгиланган жадвал шаклида ишлаб чиқилади.

Бунда амалга оширилаётган стратегия доирасида ҳар бир мақсад, ушбу мақсадга эришишга қаратилган вазифалар, уларни амалга ошириш бўйича батафсил чора-тадбирлар ҳамда мазкур чора-тадбирларнинг бевосита фаолият натижасини ифодаловчи кўрсаткичлар (output) ўзаро тааллуқлилигига мувофиқ равишда кетма-кетликда акс эттирилади.

24. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини тайёрлашда мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш бобида қуйидагилар акс эттирилади:

маълумотларни йиғиш, уларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ўрганиш, ҳисобот бериш учун масъул ташкилот(лар), шунингдек, бир нечта ташкилот бўлганда умумлашган ҳисоботни тақдим этиш учун масъул ташкилот;

ҳисобот бериш ва мониторингни амалга оширишнинг даврийлиги ва муддатлари.

Бунда бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output) бўйича ҳисобот камида ҳар ой ёки ҳар чоракда, натижа кўрсаткичлари (outcome) бўйича ҳисобот камида ҳар чорак ёки ярим йилда, таъсир кўрсаткичлари (impact) бўйича ҳисобот камида ҳар йилда бир марта топширилиши белгиланиши керак.

25. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида Агентликдан ташқари қуйидаги вазирлик ва идоралар билан мажбурий тартибда келишилади:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан:

соҳаларга режалаштирилаётган маблағларнинг иқтисодий параметрлари билан мувофиқлиги;

тегишли ҳудуд, тармоқ ва соҳадаги иқтисодий таҳдид ва кутилмалар, прогноз ва турли сценарийлар асосида таҳлилнинг амалга оширилганлиги;

самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар тўлиқ ва тўғри баҳоланганлиги, молиялаштириш манбаларининг аниқ белгиланганлиги ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлиги масалалари;

лойиҳа стратегик режалаштиришнинг иқтисодий самарадорлик принципига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан Ўзбекистон Республикасининг ички хавфсизлиги, барқарор тараққиётини таъминлашнинг долзарб масалалари ҳамда минтақа, халқаро ва глобал хавфсизликнинг бугунги тенденцияларининг стратегик мақсадларни амалга оширишга бўлган таъсирини таҳлил қилиш орқали прогноз ва сценарийлар ишлаб чиқилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан мақсад ва вазифалар ҳамда самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқлиги ҳамда атроф-муҳит ва экологик ҳолатга таъсири масалалари.

26. Ҳуқуқий экспертиза якунлари бўйича Адлия вазирлигининг тавсиялари асосида лойиҳа Агентликка якуний сифат текшируви хулосасини олиш учун юборилади.

Агентликнинг лойиҳа бўйича якуний сифат текшируви хулосасида назарда тутилган масалалар инobatга олинмаган тақдирда стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига киритилмайди.

**4-боб. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилиши
бўйича ҳисобот тайёрлаш, ҳисоботни ўрганиш
ва мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш тартиби**

27. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилиши бўйича ҳисобот тайёрлаш, ҳисоботни ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

қонунийлик – стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолашни қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ амалга ошириш;

бетарафлик – мониторинг ва баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар ходимлари ўз ваколат ва вазифаларини ҳар қандай давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қатъи назар, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириши;

холислик – мониторинг қилиш ва баҳолашни субъектив фикрларнинг таъсир қилишига йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш;

очиқлик ва шаффофлик – мониторинг ва баҳолаш фаолияти ҳақидаги маълумот ва ахборотлардан тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда, уларни белгиланган ахборот ресурсларига жойлаштириш;

махфийликни таъминлаш – давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат, шунингдек, ошкор этилиши натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ёхуд давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни эълон қилишда қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя қилиш;

ишончлилик – стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ёки баҳолаш учун тегишли вазирлик ва идора томонидан тақдим қилинган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи қўшимча материалларнинг талаб қилиб олинishi, уларнинг ҳаққонийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда мустақил манбалар орқали ўрганишнинг амалга оширилиши.

28. Стратегик режалаштириш ҳужжатидаги бевосита фаолият натижаси (output), натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичлари “lbro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига тегишли муддатлар ўрнатилган ҳолда назоратга олинади. Бунда ҳар бир самарадорлик кўрсаткичининг топшириғи тегишли стратегик режалаштириш ҳужжати бўйича умумлаштирилган ҳисоботни тақдим этишга масъул бўлган ташкилотнинг розилиги билан назоратдан ечилиши мумкин.

29. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисобот беришда тегишли ҳужжат ёки ундаги муайян мақсадни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммолар аниқланади ва уларни ҳал этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

Масъул ижрочиларнинг Рақамли платформага киритган маълумотларини таҳлил қилиш (шу жумладан, ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини интеграция қилиш) орқали стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган муддатларда ва умумлашган ҳисобот учун масъул давлат органи ёки ташкилоти томонидан ҳисобот тайёрланади ҳамда стратегик режалаштириш ҳужжатининг бевосита фаолият натижаси (output) ва натижа (outcome) кўрсаткичлари бўйича дастлабки мониторинг амалга оширилади ҳамда Рақамли платформага юкланади.

30. Агентлик томонидан ҳисобот ва дастлабки мониторинг ҳужжатларига асосан стратегик режалаштириш ҳужжатининг бевосита фаолият натижаси (output) ва натижа (outcome) кўрсаткичларига эришиш даражаси тўлиқ мониторинг ўтказиш орқали ўрганилади ҳамда топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масалалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашга умумлаштирилган ахборот киритилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш бўйича таклифлар киритилади.

31. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини баҳолашда стратегиянинг мақсадлари ёки ундаги муайян мақсадларга эришилганлик даражаси, ривожланиш динамикаси ва самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига мазкур ҳужжатда белгиланган муддатлардан келиб чиқиб баҳо берилади.

32. Баҳолаш Агентлик томонидан стратегик режалаштириш ҳужжати якунлангунга қадар оралиқ баҳолашдан (заруратга кўра) ҳамда стратегик режалаштириш ҳужжати якунлангандан сўнг якуний баҳолашдан ўтказилади.

Оралиқ ва якуний баҳолаш тартиби, муддатлари ва баҳолаш учун Агентлик билан бир қаторда қўшимча масъул ташкилот(лар), уларнинг вазифалари, шунингдек, баҳолаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбалари тегишли стратегик режалаштириш ҳужжатида белгилаб қўйилади.

33. Стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган баҳолаш муддатларида, заруратга кўра ҳисобот ва бошқа маълумотлар баҳоловчи ташкилот сўровига кўра ижро учун масъул вазирлик ва идора томонидан тақдим этилиши шарт.

34. Оралиқ баҳолашда стратегик режалаштириш ҳужжатининг ёки ундаги муайян мақсадларга эришилаётганлик даражаси, ривожланиш самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига баҳо берилади ҳамда муайян мақсадларни ўзгартириш, бекор қилиш ёки уларга эришиш механизмларини такомиллаштириш, самарадорлик кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Оралиқ баҳолаш натижаларига асосан аниқланган камчиликлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш усул ва воситаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар, шунингдек, топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масалалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашга умумий ахборот киритилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига тегишли стратегик режалаштириш ҳужжатида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш бўйича таклифлар киритилади.

35. Якуний баҳолашда стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражаси, ривожланиш самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига баҳо берилади ҳамда келгусидаги муайян стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Якуний баҳолаш натижаларига асосан ишлаб чиқилган таклифлар Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритилади.

36. Оралиқ ёки якуний баҳолашга масъул ташкилот вакиллари зарур ҳолларда, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари жалб қилган ҳолда баҳолаш жараёнида тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини уч кун ичида жойига чиқиб ўрганиши мумкин.

Ўрганиш натижасида маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, бу ҳақда камчилик аниқланган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари камчилик аниқланган кундан эътиборан бир кун ичида огоҳлантирилади ҳамда баҳолаш ҳулосасида уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифлар берилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

37. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилади. Бунда қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар, Агентликнинг асослантирилган таклифига кўра Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан мазкур Низом предмети доирасидаги масалаларни тартибга солувчи қоидалардан бошқача ёки қўшимча тартиб-қоидалар белгиланиши, шу жумладан, давлат органлари, вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига қўшимча вазифа ва функциялар юклатилиши мумкин.

38. Вазирлик ва идоралар томонидан Рақамли платформага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (dashboard)нинг таркибий модуллари,
унинг функцияларини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотларининг вазифалари
рўйхати

№	Модул номи	Асосий вазифалар (функциялар)	Масъуллар (вазирлик, идора ва бошқалар)	Муддатлар
1.	“Маъмурий бошқарув панели”	Рақамли платформа маъмурлари ва фойдаланувчиларини рўйхатга олиш, уларнинг фойдаланиши ва маълумот олиш учун рухсат даражасини ўрнатиш	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, вазирлик ва идоралар	Вазирлик ва идоралар сўровига кўра
2.	“Геопортал”	Стратегик режалаштириш ҳужжатини ишлаб чиқишда, мониторингини амалга оширишда, ҳисобот ва баҳолашда фойдаланиш учун барча вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари маълумотларини ягона геопортал орқали юритиш (маълумотларнинг юкланиши, янгиланиши, таҳлил қилиниши ва мониторинг қилинишининг марказлаштирилган тизимда таъминланиши)	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, ахборот тизимларига эга бўлган вазирлик ва идоралар	Мунтазам равишда
		“Стратегик режалаштириш ҳужжатларининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқишни методологик қўллаб-қувватлаш ва маълумотларни мувофиқлаштириш” кичик модули Вазирлик ва идоралар томонидан Геопорталга жойлаштириладиган барча маълумотлар, уларнинг метамаълумотлари, атрибутлар рўйхати, формат, янгиланиш даврийлиги ва ахборот тузилмасини Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги билан келишиш ва тасдиқлаш; маълумотларни стандартлаштириш, ягона норматив ва техник талаблар асосида юритиш; келишилган ва тақдим этилган маълумотларга асосланган ҳолда самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) шакллантириш.	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, вазирлик ва идоралар	Мунтазам равишда
		“Лойиҳаларни асослантириш” кичик модули Ривожланиш билан боғлиқ дастурларни (чора-тадбирлар, “йўл хариталари”, режалар ва бошқалар) назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги (шу жумладан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларидаги) маблағ	Лойиҳа ташаббускори бўлган вазирлик ёки идора	Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича белгиланган

№	Модул номи	Асосий вазифалар (функциялар)	Масъуллар (вазирлик, идора ва бошқалар)	Муддатлар
		ажратилишини талаб қиладиган масалаларни мазкур модулдаги маълумотларга боғлаш орқали асослантириш (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари келишиш учун юборилгунга қадар)		муддат доирасида
		“Асослантирилган лойиҳаларни тасдиқлаш” кичик модули Ривожланиш билан боғлиқ дастурларни (чора-тадбирлар, “йўл хариталари”, режалар ва бошқалар) назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги (шу жумладан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларидаги) маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалаларни мазкур модулдаги маълумотларга боғлаш орқали асослантирилганлигини тасдиқлаш	Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги	Маълумотлар келиб тушгандан бошлаб 3 иш куни ичида
3.	“Молиялаштириш манбаларини тасдиқлаш”	Ривожланиш билан боғлиқ дастурларни (чора-тадбирлар, “йўл хариталари”, режалар ва бошқалар) назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги (шу жумладан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларидаги) маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалалар бўйича молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш (бюджет, инвестиция лойиҳалари, грантлар ва бошқа манбалар) ҳамда тасдиқлаш	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича белгиланган муддат доирасида
4.	“Стратегик режалаштириш ҳужжатларининг лойиҳалари”	Биринчи ва иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини шакллантириш, дастлабки ва якуний сифат текширувидан ўтказиш	Лойиҳа ташаббускори бўлган вазирлик ёки идора, Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги	Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича белгиланган муддат доирасида
5.	“Стратегик режалаштириш ҳужжатларининг асосий самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) шакллантириш”	Қабул қилинган стратегик режалаштириш ҳужжатларининг кўрсаткичларини реал вақтда кузатиш учун базага киритиш	Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги (биринчи ва иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича), вазирлик ва идора (мониторингига масъул бўлган учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича)	Ҳужжат қабул қилингандан сўнг 3 иш куни ичида

№	Модул номи	Асосий вазифалар (функциялар)	Масъуллар (вазирлик, идора ва бошқалар)	Муддатлар
6.	“Мониторинг, ҳисобот ва оралиқ баҳолаш”	Қабул қилинган стратегик режалаштириш ҳужжатларининг кўрсаткичлари бўйича мониторинг ва ҳисоботларни тасдиқлаш, натижаларни геопорталда акс эттириш	Мониторинг, ҳисобот ва оралиқ баҳолаш учун масъул ташкилотлар	Ҳужжатда белгиланган муддатларда
7.	“Давлат органлари рейтинги”	Миллий даражадаги кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатларининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича давлат органлари рейтингини шакллантириш	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Бошқарув самарадорлиги агентлиги	Ҳар йил якунлари бўйича
8.	“Якуний баҳолаш (Impact)”	Стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражаси, ривожланиш самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига баҳо бериш	Якуний баҳолаш учун масъул ташкилот	Ҳужжатда белгиланган муддатларда
9.	“Масофавий назорат”	Рақамли платформани интеграция қилиш орқали стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилиши бўйича ҳисоботдаги тегишли маълумотни ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида акс эттириш	Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги	Мунтазам равишда
10.	“Жамоатчилик назорати”	Кенг жамоатчиликни жалб этиш ва жамоатчилик назорати воситалари орқали маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш	“Юксалиш” ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, кенг аҳоли қатлами	Мунтазам равишда
11.	“Маълумотлар интеграцияси”	Барча вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари маълумотларини “Электрон ҳукумат” орқали ягона экотизимга улаш	Рақамли технологиялар вазирлиги, Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги	Мунтазам равишда

Стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик
режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш,
мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини
мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Стратегик режалаштириш ҳужжатлари
лойиҳаларини келишиш тартиби
схемаси**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Масъул вазирлик ва идора	Ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш ва бу ҳақида расмий веб-сайтида эълон бериш	Ишчи гуруҳини тузиш бўйича қабул қилинган ички ҳужжатларда белгиланган муддатларда
2-босқич	Ишчи гуруҳ	Стратегик режалаштириш ҳужжатининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли вазирлик ёки идоранинг масъул таркибий бўлинмалари билан келишиш	Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича қабул қилинган ички ҳужжатларда белгиланган муддатларда
3-босқич	Масъул вазирлик ва идора	Жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар ўтказиш, бунда эксперт сўровлари, фокус гуруҳлар ва мутахассис фикрлари орқали асосий муаммолар ва ечимларга эътибор қаратиш ҳамда таҳлил қилиш	Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича қабул қилинган ички ҳужжатларда белгиланган муддатларда
4-босқич	Масъул вазирлик ва идора	Лойиҳада белгиланган маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалаларни Стратегик режалаштиришнинг рақамли платформаси (dashboard) “Геопортал” модулидаги маълумотларга боғлаш орқали асослантириш ва молиялаштириш манбаларини киритиш	Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича қабул қилинган ички ҳужжатларда белгиланган муддатларда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
5-босқич	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги	Лойиҳада белгиланган маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалаларни Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (dashboard) “Геопортал” модулидаги маълумотларга боғлаш орқали асослантирилганлигини тасдиқлаш	5 иш кунда
6-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Лойиҳада белгиланган тадбирларни (ислохотларни) амалга ошириш ва кутилаётган ўзгаришларга эришиш учун зарур бўлган молиявий харажатлар ва молиялаштириш манбаларини Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (dashboard) орқали тасдиқлаш	5 иш кунда
7-босқич	Масъул вазирлик ва идора	Дастлабки сифат текширувидан ўтказиш мақсадида лойиҳани Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигига юбориш	Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича қабул қилинган ички ҳужжатларда белгиланган муддатларда
8-босқич	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги	Лойиҳани қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда дастлабки сифат текширувидан ўтказиш, заруратга кўра мазкур жараёнга илмий-тадқиқот ва таҳлил тузилмаларини жалб этиш ҳамда инобатга олиниши мажбурий бўлган хулоса бериш	Лойиҳа келиб тушган кундан бошлаб 10 иш кунда
9-босқич	Масъул вазирлик ва идора	Дастлабки сифат текшируви хулосасига асосан лойиҳага тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ зарур босқичларни (лойиҳани келишиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва бошқалар) амалга ошириш	Лойиҳа Агентликдан қайтганидан сўнг 3 иш кунда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
10-босқич	Масъул вазирлик ва идора	Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертизаси хулосаси олингандан сўнг якуний сифат текширувидан ўтказиш учун лойиҳани Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлигига киритиш	Адлия вазирлиги хулосаси олинганидан сўнг 5 иш куни ичида
11-босқич	Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги	Лойиҳани қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда якуний сифат текширувидан ўтказиш, заруратга кўра мазкур жараёнга илмий- тадқиқот ва таҳлил тузилмаларини жалб этиш ҳамда инобатга олиниши мажбурий бўлган хулоса бериш	3 иш кунда
12-босқич	Масъул вазирлик ва идора	Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига киритиш	Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда

Стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик
режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш,
мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини
мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳасининг белгиланган
талабларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини ўрганиш бўйича
назорат варақаси**

а) Биринчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича:

1. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг номи		Амал қилиш муддати	
<i>(Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг сифати бўйича умумий шарҳлар ва тавсиялар)</i>			

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
2. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг иерархияга мувофиқлиги			
2.1.	Лойиҳанинг бошқа 1-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқлиги		
<i>(Изоҳ/Таклиф/Тавсия: Концепция лойиҳасининг амалдаги 1-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган устувор мақсадлар ва вазифалар билан уйғунлиги)</i>			
2.2.	Лойиҳанинг амалдаги 2-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқлиги ва уларни шакллантиришдаги роли		
<i>(Изоҳ/Таклиф/Тавсия: Концепция лойиҳасида амалдаги мамлакат, тармоқ, соҳа ва ҳудудий стратегиялар билан зиддиятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, улар билан ўзаро уйғунлашган таъсирни таъминлаш имкониятлари ҳамда келгуси йилларга мўлжалланган 2-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун яратилган методологик ва стратегик асослар баён этилгани)</i>			
2.3.	Лойиҳанинг амалдаги 3-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқлиги ва уларни шакллантиришдаги аҳамияти		
<i>(Изоҳ/Таклиф/Тавсия: “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари, механизмлари тизими ҳамда келгуси йилларга мўлжалланган давлат дастурларини ишлаб чиқиш учун яратилган методологик ва стратегик асослар баён этилгани)</i>			
3. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг белгиланган минимал талабларга мувофиқлиги			
3.1. Мавжуд вазият ва муаммоларни таҳлил қилиш			
3.1.1.	Таянч атамалар ва тушунчалар таърифларининг мавжудлиги		
<i>(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)</i>			
3.1.2.	Жорий ҳолат таҳлили тўлиқ, асосланган ва ишончли статистик маълумотлар ҳамда фактларга таянган ҳолда баён этилгани		
<i>(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)</i>			

№	Ҳужжат мазмуни ва тўзилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
3.1.3.	Лойиҳада жорий тизимда мавжуд муаммолар, хавф-хатарлар ва тўсиқлар очиб берилгани (Тизимли муаммолар, институционал чекловлар, ташқи ва ички хавф-хатарлар ва амалга оширишдаги потенциал тўсиқлар объектив ва тўлиқ аниқлангани баҳоланади) (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.1.4.	Муаммолар, хавф-хатарлар ва тўсиқларни келтириб чиқарган сабаблар ва омиллар ўрганилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.1.5.	Ташқи муҳит (ижтимоий, сиёсий, технологик, халқаро ва бошқалар) ҳисобга олингани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.1.6.	Таҳлил асосида концепцияни қабул қилишнинг зарурати асослантилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.2. Концептуал ғоя, мақсадлар ва вазифалар бўйича			
3.2.1.	Муаммолар ва концептуал ғоя ўртасидаги боғлиқлик мантиқан тўғри баён этилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.2.2.	Концептуал (асосий) ғоя ва унинг фалсафий мазмуни аниқ ифодалангани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.2.3.	Концептуал ғоя қисқа, аниқ ва равшан баён этилгани ҳамда жамиятни муайян тараққиёт сари йўналтиришга қаратилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.2.4.	Лойиҳанинг асосий мақсад ва вазифалари эълон қилинган қарашларга ҳамда халқаро мажбуриятларга мослиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.2.5.	Лойиҳанинг вазифалари мақсадга босқичма-босқич эришишни таъминлашга ҳамда фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилашга қаратилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.3. Принциплар, ёндашувлар ва асосий йўналишлар			
3.3.1.	Принципларни шакллантиришда жамият ва давлатнинг энг муҳим қадриятлари инобатга олингани ва акс эттирилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.3.2.	Принципларнинг концептуал ғоя, мақсад ва вазифаларга мувофиқлиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.3.3.	Принципларнинг тушунарли баён этилгани ва амалда қўллаш имконияти мавжудлиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.3.4.	Концепцияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгилангани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.3.5.	Кутилаётган таъсирлар ва амалга оширишнинг умумий йўналишлари тавсифи мавжудлиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
3.3.6.	Йўналишларни жорий этишда мантиқий асосланган кетма-кетлик ва босқичма-босқичлик таъминлангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.4. Кутилаётган натижалар			
3.4.1.	Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида кутилаётган натижалар ифода этилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5. Мониторинг ва ҳисобот бериш			
3.5.1.	Концепция ижроси бўйича ҳисобот бериш, умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш ва мониторинг учун масъул ташкилотларнинг белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5.2.	Ҳисобот бериш ва мониторинг муддатлари ва даврийлиги белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5.3.	Ҳисобот бериш шакллари кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			

б) Иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича:

1. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг номи	Амал қилиш муддати
(Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг сифатига умумий шарҳлар, режалаштириш тамойиллари ва цикли бўйича асосий тавсиялар)	

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
2. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг иерархияга мувофиқлиги			
2.1.	1-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқлиги		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия: стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасида 1-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларининг мақсад ва вазифаларига эришишга қандай ҳисса қўшиши очиб берилади)			
2.2.	2-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқлиги		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия: бошқа 2-даражали стратегиялар билан зиддиятлар, шунингдек, улар билан бирлаштирилган таъсир мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги очиб берилади)			
2.3.	3-даражали ҳужжатларга, хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари ва механизмлари тизимини ва мамлакатни кейинги йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини белгиловчи давлат дастурларига мувофиқлиги		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
3. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг белгиланган минимал талабларга мувофиқлиги			
3.1. Мавжуд вазият ва муаммоларни таҳлил қилиш			
3.1.1.	Жорий ҳолат таҳлили тўлиқ, асосланган ва ишончли статистик маълумотлар ҳамда фактларга таянган ҳолда баён этилгани		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.1.2.	Лойиҳада жорий тизимда мавжуд муаммолар очиб берилгани		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.1.3.	Муаммоларни келтириб чиқарган сабаблар ва омиллар ўрганилгани		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.1.4.	Муаммоларни бартараф этиш бўйича лойиҳани ишлаб чиқишдан олдинги даврда кўрилган чора-тадбирлар таҳлилининг мавжудлиги		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.1.5.	Муаммоларнинг хавфлилик даражаси ва улардан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ўрганилгани		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.2. Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар бўйича			
3.2.1	Танланган устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар мавжуд вазиятни таҳлил қилиш жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилгани		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.2.2	Танланган устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларига мос келиши		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.2.3	Ҳар бир танланган устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар ҳар бир даражадаги самарадорлик кўрсаткичларига эгаллиги		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.3. Самарадорлик кўрсаткичлари бўйича			
3.3.1.	Стратегик мақсаднинг таъсир (impact) кўрсаткичига эгаллиги		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.3.2.	Ҳар бир аниқ вазифа камида битта аниқ натижа (outcome) кўрсаткичига эгаллиги		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.3.3.	Таъсир (impact) кўрсаткичлари ва натижа (outcome) кўрсаткичларининг аниқ, ўлчанадиган бўлиши ва мақсадларга эришиш учун мослиги		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.3.4.	Ҳар бир самарадорлик кўрсаткичи учун амалдаги, оралик ва якуний кўрсаткичлар мавжудлиги		
(Изоҳ/Тақлиф/Тавсия:)			
3.4. Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар (чора-тадбирлар)ни режалаштириш бўйича			
3.4.1.	Ҳаракатлар (чора-тадбирлар) режаларида кўрсатилган тадбирларнинг лойиҳада кўрсатилган устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифаларга мувофиқлиги		

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.4.2.	Тадбирларни амалга оширишга масъул ижрозининг белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.4.3.	Тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ муддат белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.4.4.	Ҳар бир чора-тадбир (фаолият) учун самарадорлик кўрсаткичлари (бевосита фаолият натижаси (output) ишлаб чиқилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.4.5.	Натижа (outcome) кўрсаткичлари ва аниқ вазифалар билан боғлиқ бўлган бевосита фаолият натижаси (output) кўрсаткичлари ўртасида аниқ мантиқий боғлиқлик мавжудлиги		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.4.6.	Ҳар бир фаолият (тадбир) учун зарур маблағлар ва молиялаштириш манбалари кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини тайёрлашдаги молиявий ҳисоб-китоблар бўйича			
3.5.1.	Молиялаштириш миқдори ва манбаларининг кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5.2.	Молиялаштиришда ресурсларнинг тақсимлангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5.3.	Молиялаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш имконияти ўрганилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5.4.	Молиялаштириш жараёнида давлат-хусусий шериклик имкониятлари ўрганилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.5.5.	Молиялаштириш жараёнларининг шаффофлигини таъминлашга қаратилган чоралар мавжудлиги		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.6. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасида мониторинг ва ҳисобот механизмларининг назарда тутилганлиги бўйича			
3.6.1.	Лойиҳада самарадорлик кўрсаткичларининг амалга оширилиши ва ижросини мувофиқлаштириш, уларни таҳлил қилиш учун зарур маълумотлар, ушбу маълумотларни тўплаш механизмлари кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.6.2.	Ҳужжат ижроси бўйича ҳисобот бериш, умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш ва мониторинг учун масъул ташкилотларнинг белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.6.3.	Ҳисобот бериш муддатлари ва даврийлиги белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.6.4.	Ҳисобот бериш шакллари кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.7. Баҳолаш бўйича			
3.7.1.	Лойиҳада натижаларни баҳолаш механизмлари назарда тутилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
3.7.2.	Баҳолаш ташқи ташкилот (мустақил баҳоловчи) томонидан амалга оширилса, молиялаштириш миқдори ва манбалари кўрсатилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.7.3.	Лойиҳада натижаларни баҳолаш ва ҳисобдорликни таъминлаш жараёнларини рақамлаштириш чоралари кўрилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		

в) Учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича:

1. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг номи	Амал қилиш муддати
(Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг сифатига умумий шарҳлар ва тавсиялар)	

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
2. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг иерархияга мувофиқлиги			
2.1.	1-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқлиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:) (стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасида 1-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларининг мақсадлар ва вазифаларига эришишга қандай ҳисса қўйиши очиб берилади)		
2.2.	2-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқлиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:) (бошқа 2-даражали стратегиялар билан зиддиятлар, шунингдек, улар билан бирлаштирилган таъсир мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги очиб берилади)		
2.3.	3-даражали ҳужжатларга, хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари ва механизмлари тизимини ва мамлакатни кейинги йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини белгиловчи давлат дастурларига мувофиқлиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг белгиланган минимал талабларга мувофиқлиги			
3.1. Чора-тадбирларни режалаштириш бўйича			
3.1.1.	2-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларидаги мақсад ва вазифалар, уларга тегишли самарадорлик кўрсаткичларининг кўрсатилгани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.1.2.	2-даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларидаги чора-тадбирларнинг батафсил ёритиб берилганлиги (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		
3.1.3.	Тадбирларни амалга оширишга масъул ижрочининг белгилангани (Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)		

№	Ҳужжат мазмуни ва тузилишига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш шакли	
		Ҳа	Йўқ
3.1.4.	Тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ муддатнинг белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.1.5.	Ҳар бир чора-тадбир (фаолият) учун самарадорлик кўрсаткичлари мавжудлиги		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.1.6.	Ҳар бир чора-тадбир учун зарур маблағлар ва молиялаштириш манбалари кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.2. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаси мониторинги ва ҳисоботи бўйича			
3.2.1.	Лойиҳада самарадорлик кўрсаткичларининг амалга оширилиши ва ижросини мувофиқлаштириш, уларни таҳлил қилиш учун зарур маълумотлар, ушбу маълумотларни тўплаш механизмлари кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.2.2.	Ҳужжат ижроси бўйича ҳисобот бериш, умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш ва мониторинг учун масъул ташкилотларнинг белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.2.3.	Ҳисобот бериш муддатлари ва даврийлиги белгилангани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			
3.2.4.	Ҳисобот бериш шакллари кўрсатилгани		
(Изоҳ/Таклиф/Тавсия:)			

Изоҳ: ушбу талаблар Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги томонидан стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик режалаштириш
хужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга
оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Стратегик режалаштириш хужжатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси
намунаси

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг мақсади ва самарадорлик кўрсаткичи:								
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг умумлашган ҳисоботи учун масъул ташкилот:								
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг мақсади:								
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг таъсир (impact) кўрсаткичи	Ўлчов бирлиги	Ҳисоблаш формуласи	Амалдаги кўрсаткич (энг охириги долзарб кўрсаткич)	Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)	Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич	Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот	Маълумот тақдим этиш даврийлиги	
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг вазифаси								
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи	Ўлчов бирлиги	Ҳисоблаш формуласи	Амалдаги кўрсаткич (энг охириги долзарб кўрсаткич)	Оралиқ кўрсаткичлар (йиллар кесимида)	Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич	Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот	Маълумот тақдим этиш даврийлиги	
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)								
Чора-тадбирлар номи	Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг бевосита фаолият натижаси кўрсаткичи (output)	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич (энг охириги долзарб кўрсаткич)	Якуний кўрсаткич	Молиялаштириш ҳажми ва манбаси	Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/ идора	Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот	Бажариш муддати

Изоҳ: жадвалда стратегик режалаштириш хужжатининг ҳар бир мақсади бўйича тегишли кетма-кетликда таъсир кўрсаткичлари (impact), вазифалар ва уларнинг ушбу мақсадга эришишни таъминлайдиган натижа (outcome) кўрсаткичлари, шунингдек, бевосита фаолият натижаси (output) кўрсаткичлари уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
йил 29 декабрдаги ПҚ–394-сон қарорига
2-илова

**Вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий
бўлинмалари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига
Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлигига ажратилаётган
штат бирликлари сони**

№	Вазирлик ва идора номи	Агентликка ўтказиладиган штат бирликлари сони
	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	5
	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1
	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	1
	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	1
	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	1
	Солиқ қўмитаси	1
Жами		10

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигининг
тузилмаси



Изоҳ:

- Бошқарув ходимларининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган умумий чекланган сони – 30 нафар.
- Мувофиқлаштирувчи кенгаш Агентлик тузилмасига бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиши мумкин.
- Агентлик директори Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган ҳолда тузилмага бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.
- Шўъба мудир ва бош инспектор тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг бош инспектори ва етакчи инспекторига тенглаштирилади.
- Агентлик директори ўринбосарлари ва маслаҳатчисининг лавозим разрядлари ва тариф коэффициентлари Агентлик директори ставкасидан 3 фоизгача кам миқдорда белгиланади.
- Ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сони Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан белгиланади.

Вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва уни йўлга қўйишнинг бошқа ташкилий масалаларига оид тартиб-таомиллар

1. Вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари (кейинги ўринларда – Таркибий бўлинмалар) тегишли ташкилотга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашга йўналтирилган стратегик режалаштириш тизимини ташкил этиш, унинг ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилишга масъул ҳисобланади.

Мазкур тартиб-таомиллар татбиқ этиладиган вазирлик ва идоралар (миллий даражадаги, республика даражасидаги (вазирликлар, алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари) ва ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) томонидан тасдиқланади.

2. Вазирликлар ҳамда алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органларида Таркибий бўлинмалар Стратегик режалаштириш ва ахборот-таҳлил бўлинмаси (департаменти, бошқармаси, бўлими) этиб ташкил этилади ҳамда мустақил бўлинма сифатида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига бўйсунди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида стратегик режалаштириш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга уларнинг тузилмасидаги ахборот-таҳлил гуруҳлари масъул ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Таркибий бўлинмалар фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгиланади:

тегишинча вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида стратегик режалаштириш тизимининг жорий қилиниши ва амалга оширилишини ҳамда уларнинг ахборот-таҳлилий фаолиятини мувофиқлаштириш;

вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари ва талабларига, шу жумладан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархиясига мувофиқлигини таъминлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш ва ҳисоботлар тайёрлаш жараёнларини мувофиқлаштириш, тайёрланган ҳисоботларни ўрганиб бориш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш натижалари асосида уларнинг мақсад ва вазифаларига зарур тузатишлар киритиш ҳамда ҳужжатларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида тегишли ташкилот масъул бўлган мақсадларга эришиш ҳолатини доимий баҳолаб бориш, самарадорлик кўрсаткичлари бўйича натижаларни таҳлил қилиш, жорий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган асосланган таклифларни шакллантириш;

соҳавий устувор йўналишлар, мақсадли кўрсаткичлар ва кутилаётган натижаларни инобатга олган ҳолда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишга оид қабул қилинадиган ҳар йилги давлат дастурлари лойиҳаларига киритилиши зарур бўлган ташаббуслар юзасидан асосланган таклифлар тайёрлаш;

тегишли вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан таркибий ислохотларни самарали амалга ошириш учун малакали хорижий консультант ва экспертларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларини ҳамда консалтинг компанияларни ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари, грантлар ва бошқа манбалар ҳисобидан жалб этиш ишларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш;

аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган устувор ташаббуслар, соҳавий муаммолар ва истиқболдаги мақсадлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланадиган Мурожаатнома лойиҳасига киритиш учун тегишли таклифларни шакллантириб бориш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва ҳисоботларни тизимли равишда сақлаш.

4. Вазирлик ва идоралардаги Таркибий бўлинмаларга:

вазирлик ва идораларнинг уч йилга мўлжалланган иш режаларини стратегик мақсадлар ҳамда молиявий имкониятларга мувофиқлигини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

ҳудудларни ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)да дастлабки сифат текширувидан ўтказишда таклиф ва мулоҳазаларини билдириш вазифалари ҳам юклатилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидаги Таркибий бўлинмаларга:

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича кўп йиллик стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисобот тайёрланишини мувофиқлаштириш;

туман (шаҳар)ларни ривожлантириш бўйича уч йилга мўлжалланган комплекс дастурлар ишлаб чиқирилишини мувофиқлаштириш;

соҳа ёки тармоқларни ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва Агентликда дастлабки сифат текширувидан ўтказишда таклиф ва мулоҳазалар билдириш вазифалари ҳам юклатилади.

6. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан Таркибий бўлинмаларга уларнинг фаолият йўналишларига кирмайдиган топшириқларни бериш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган вазифа ва функцияларни юклатишга, шунингдек, уларнинг зиммасидаги вазифа ва функцияларни ҳамда ваколати доирасига кирувчи масалаларни тўлиқ ёки қисман бошқа таркибий тузилмаларга, лойиҳа офисларига ўтказишга йўл қўйилмайди.

Бунда вазирлар, алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг фаолиятини стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтириш ҳамда кунлик (жорий) иш юкламасини мақбуллаштириш мақсадида улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлил, назорат ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган раҳбар котибияти ёки ижро аппарати таркибий бўлинма ташкил қилиниши мумкин.

7. Таркибий бўлинмалар фаолиятини тартибга солувчи, уларнинг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган намунавий низом Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланади.

8. Таркибий бўлинмалар ходимлари лавозимларини эгаллаш учун камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган ва хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган номзодларга ўстуворлик берилади, шунингдек, номзодлардан қуйидаги йўналишларда билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади:

таҳлил ва прогнозлаштириш – соҳавий ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, сценарий ҳисоб-китобларини амалга ошириш, эҳтимолий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш;

ахборот-таҳлилий маълумотномалар тайёрлаш – аниқ ва мантиқий асосланган таҳлилий маълумотлар, хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш, стратегик режалаштириш ва стратегик ислохотларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига оид ахборот-таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

замонавий таҳлил инструментларидан фойдаланиш – “SWOT”, “PESTEL”, “GAP” ва бошқа таҳлил инструментларидан фойдаланган ҳолда вазиятни тизимли таҳлил қилиш, муаммолар ва имкониятларни аниқлаш;

таҳлилий маълумотлар билан ишлаш, рақамли инструментлардан фойдаланиш – Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари, расмий статистика маълумотлари базалари, вазирлик ва идораларнинг маъмурий маълумотлари ва бошқа маълумотлар базалари билан ишлаш;

хорижий тажриба ва халқаро рейтинглар методологиясини билиш – соҳавий ва глобал тенденцияларни ўрганиш, тегишли рейтинглар ва индекслар бўйича таҳлил тайёрлаш.

9. Таркибий бўлинмалар раҳбарлари:

стратегик режалаштириш бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда тўғридан-тўғри тегишли вазирлик ва идора раҳбарига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига бўйсунди;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра тегишли давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланган тартибда Агентлик билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ҳар уч йилда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланган тартибда Агентликда аттестациядан ўтказилади.

10. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Таркибий бўлинмалар ходимлари йилига камида бир марта Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида стратегик режалаштириш ва ривожланиш, таҳлил ва натижадорликни бошқариш бўйича махсус ўқув курсларида ўқитилади.

11. Таркибий бўлинмалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, уларнинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг мансabdор шахсларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар, статистик маълумотлар ва ахборотларни олиш;

раҳбарият томонидан стратегик режалаштириш масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларни ўтказиш таклифини киритиш ҳамда бу каби йиғилишларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва стратегик ислохотларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, шунингдек, стратегик режалаштириш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тизимига кирадиган тузилмаларда Таркибий бўлинма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

вазирлик ва идоранинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг, шунингдек, уларнинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг стратегик режалаштириш масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш.

12. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқа таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва стратегик ислоҳотларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Таркибий бўлинмалар билан мажбурий тартибда келишилади.

13. Вазирликлар ҳамда алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг Таркибий бўлинмалари ходимлари лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида тегишли ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан малака оширади ва Агентликда стажировка ўтайди.

Бунда малака ошириш ва стажировка ўташ тартиби Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

14. Таркибий бўлинмаларнинг ходимлари бўйича маълумотлар Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформасига (dashboard) Бошқарув самарадорлиги агентлигининг “hrm.gov.uz” платформасини интеграция қилиш орқали Агентликка бепул асосда тақдим этилади.

15. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ҳар йил якунлари бўйича Таркибий бўлинмаларнинг тегишли ташкилот фаолиятида стратегик режалаштириш ва уни амалга ошириш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади.

16. Мувофиқлаштирувчи кенгашга ташаббускорлик кўрсатиб, хизмат вазифаларини намунали ва сифатли бажарган Таркибий бўлинмалар ва Агентлик ходимларини тегишли ташкилот ёки идора ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ёки бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан икки ойлик иш ҳақи фонди миқдоригача рағбатлантириш ёки лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффицентини инобатга олган ҳолда) 50 фоизидан ошмаган миқдорларда устама тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилади.

**Тошкент глобал тараққиёт форумига тайёргарлик кўриш
ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита
таркиби**

1. С. У. Умурзаков - Ўзбекистон Республикаси Президентининг стратегик ривожланиш бўйича маслаҳатчиси, *Ташкилий қўмита раҳбари*
2. С.И. Хамидов - Ўзбекистон Республикаси Президентининг стратегик ривожланиш бўйича маслаҳатчиси ўринбосари
3. Э.Т. Арипов - Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори
4. Б.Б. Рахматов - Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги директори
5. У.Ш. Хусаинов - Бошқарув самарадорлиги агентлиги директори в.б.
6. М.Х. Раҳманкулов - Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти директори
7. Ш.Х. Шерматов - рақамли технологиялар вазири
8. Б.И. Аълоев - ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
9. А.Т. Раҳматуллаев - ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
10. Б.Р. Маматкаримов - энергетика вазирининг биринчи ўринбосари
11. М.А. Омаров - транспорт вазирининг биринчи ўринбосари
12. И.И. Норқулов - иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
13. Ш.Б. Умурзаков - Тошкент шаҳар ҳокими
14. С.Ё. Маликов - “ИнтерФорум” ДУК директори

Изоҳ:

1. Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

2. Ташкилий қўмита раҳбарига зарур ҳолларда Ташкилий қўмита ишига вазирлик ва идораларни жалб этиш ваколати берилади.

Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини йўлга қўйиш бўйича
чора-тадбирлар режаси

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар
1.	2017–2025 йиллар давомида вазирлик ва идоралар ташаббуси асосида ижтимоий-иқтисодий йўналишларда қабул қилинган концепция ва стратегияларни қайта кўриб чиқиш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш орқали 2017–2025 йилларда қабул қилинган концепция ва стратегиялар рўйхатини шакллантириш ва Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлигига киритиш.	2026 йил январь	Адлия вазирлиги
		2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) қарорига асосан 2017–2025 йилларда қабул қилинган концепция ва стратегияларни фаолият йўналишидан келиб чиқиб, вазирлик ва идоралар кесимида тақсимлаш .	2026 йил февраль	Мувофиқлаштирувчи кенгаш
		3. Вазирлик ва идоралар томонидан: ўз соҳалари бўйича қабул қилинган концепция ва стратегияларнинг долзарблиги, мақсадли кўрсаткичларнинг замонавий таҳдид ва вазифаларга мослиги ҳамда мазкур қарор талабларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда унинг натижаларини Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлигига киритиш; Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги хулосаси асосида концепция ва стратегияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тегишли қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил февраль–март	Вазирлик ва идоралар

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар
		4. Баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш асосида концепция ва стратегияларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш бўйича зарур чораларни амалга ошириш.	2026 йил давомида	Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар
2.	Стратегик режалаштириш тизимини жорий қилиш бўйича вазирлик ва идораларни услубий таъминлаш .	1. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш. 2. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ва натижага йўналтирилган дастурий бюджетлаштириш талабларига мувофиқ республика ижро этувчи ҳокимият органларининг 3 йилга мўлжалланган иш режаларини ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланма яратиш.	2026 йил январь 2026 йил февраль	Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги
3.	Замонавий ва инновацион ечимларни жорий этган ҳолда стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини рақамлаштириш .	1. Стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, маълумотларни тўплаш, асосий самарадорлик кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва геохаритада акс эттириш, муаммоларни аниқлаш, прогнозли таҳлил ўтказиш ва стратегик режалаштириш ҳужжатларига тузатишлар киритиш бўйича Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (dashboard) (кейинги ўринларда – Рақамли платформа)ни ишлаб чиқиш. 2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Рақамли платформа ва унинг техник топшириғини ишлаб чиқиш ҳамда ишга тушириш, техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бориш.	2026 йил май Доимий	Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъуллар
		3. Ахборот хавфсизлиги тамойилларини ҳисобга олган ҳолда Рақамли платформада жойлаштириладиган маълумотларни тақдим этиш ва базага киритиш тартибини тасдиқлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорини қабул қилиш.	2026 йил март	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, вазирлик ва идоралар
		4. Рақамли платформани “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказига жойлаштириш.	2026 йил апрель	Рақамли технологиялар вазирлиги, Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги
		5. Рақамли платформанинг “Геопортал” ва “Молиялаштириш манбаларини тасдиқлаш” модуллари функцияларини 2026 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри ва вилоятида ижтимоий инфратузилмани режалаштириш ва бошқаришнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича пилот дастури сифатида йўлга қўйиш ҳамда 2027 йилдан барча соҳалар кесимида республика бўйича тўлиқ татбиқ этиш.	2026–2027 йиллар давомида	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги
		6. Рақамли платформанинг “Геопортал” модулида жамланадиган вазирлик ва идоралардаги мавжуд тизимлар ва маълумотлар (маълумотлар атрибутлари, метамаълумотлар, фойдаланиладиган ахборотномалар), шунингдек, уларнинг функционал вазифаларидан келиб чиқиб йиғиладиган (шу жумладан, мавжуд бўлмаган ахборот тизимлари бўйича) бошқа маълумотлар рўйхатини шакллантириш мақсадида тегишли ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузиш ва қуйидагиларни амалга ошириш: мавжуд ахборот тизимлари ва маълумотлар инвентаризацияси;	2026 йил давомида	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, вазирлик ва идоралар

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар
		маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги, янгиланиш даврийлиги ва техник сифатини баҳолаш; бир-бирини такрорловчи, қайтарилувчи, турли форматлардаги маълумотларни аниқлаш; ягона ахборотнома (маълумотнома) тизимини шакллантириш, бир хил шаклга келтирилиши керак бўлган ягона идентификаторлар, умумий атрибутлар, кодлар ва таснифларни белгилаш ҳамда вазирликлар билан келишилган ҳолда ягона миллий долзарб ахборотномалар рўйхатини ишлаб чиқиш; маълумотларни йиғиш ва юритиш тартибини белгилаш, шу жумладан, маълумотларни йиғиш, янгिलाш ва алмашишнинг ягона регламентини ишлаб чиқиш ҳамда техник талаблар ва методологияни белгилаш; маълумотлар стандартларини жорий этиш, метамаълумотлар, ягона норматив ва техник талаблар асосида маълумотларни юритиш бўйича стандартлар ишлаб чиқиш; ҳар бир вазирликка тегишли маълумотлар тоифасини таснифлаш ва уларни юритишни белгилаш, келишувлар асосида маълумотларни бир хил тарзда тақдим этиш тартибини белгилаш; маълумотлар экотизимини шакллантириш, маълумотларни қайта ишлаш жараёнини такомиллаштириш, талаб этиладиган янги маълумотлар турларини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.		
4.	Амалдаги стратегияларни танқидий таҳлил қилган ҳолда, мамлакатнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режалаштириш ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш.	Фуқаролик жамияти институтлари, таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой ва бошқа давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда мамлакатнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий мақсадларни белгиловчи концепция ва бошқа стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	2026 йил декабрь	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар
5.	Хорижий илғор тажрибани ўрганишда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик механизмларини жорий этиш.	Республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан тегишли давлатларнинг илғор тажрибаси ва амалиёти тўғрисидаги маълумотларни Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигига тақдим этиб бориш тартибини назарда тутувчи Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори лойиҳасини киритиш.	2026 йил февраль	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
6.	Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимининг ташкилий-тузилмавий ва кадрлар масалаларини ҳал этиш.	1. Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигида соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш, ҳудудий ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорини қабул қилиш: лойиҳа офисларининг фаолият муддати; лойиҳа офисларига жалб этиладиган мутахассислар сони; лойиҳа офисларининг вазифалари ва функциялари, самарадорлигини баҳолаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (KPI); лойиҳа офислари ходимлари томонидан бажарилган ишларни (хизматлар) қабул қилиш, ҳақ тўлаш ва молиялаштириш тартиби ҳамда миқдорлари. 2. Лойиҳа офисларини юқори малакали ва муайян тажрибага эга, юклатилган вазифаларни самарали бажара оладиган мутахассислар билан тўлдириб бориш, шу жумладан, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат таҳлилий марказлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг масъул ходимларини асосий ишдан ажралмаган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб этиб бориш.	2026 йил январь	Мувофиқлаштирувчи кенгаш
7.	“Стратегик таҳлил аълочиси” кўкрак нишонини жорий этиш.	“Стратегик таҳлил аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Доимий	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги
7.	“Стратегик таҳлил аълочиси” кўкрак нишонини жорий этиш.	“Стратегик таҳлил аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил март	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъуллар
8.	Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини жорий қилиш билан боғлиқ вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	1. Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги ва унинг тузилмасидаги лойиҳа офисларини беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уйдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг биносига жойлаштириш. 2. Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентликнинг янги юклатилган вазифаларини самарали бажарилишини таъминлаш учун моддий-техника жиҳозларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва зарур компьютер техникаси ва сервер қурилмалари (алоқа тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларини ташкил этиш), канцелярия воситалари, бошқа оргтехника жиҳозлари ҳамда автотранспорт воситаларини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилиш (ажратиш). 3. Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигига олтита автотранспорт воситасини, шу жумладан, директор, директор ўринбосарлари ва маслаҳатчисига шахсан бириктириладиган ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлаш бўйича лимит ажратиш ҳамда аутсорсинг орқали хизмат сафарлари ва хорижий меҳмонлар ташрифлари учун битта микроавтобус (минивен)ни жалб қилиб бориш чораларини кўриш. Бунда, Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигига тегишли хизмат автотранспорт воситаларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган йиллик километр масофа лимити татбиқ этилмайди.	2026 йил февраль	Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Транспорт қисми
9.	Таҳлил ва илмий-тадқиқот соҳаларида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан, хорижий “ақл марказлари” ва етакчи тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш.	1. Ҳар йилги Тошкент глобал тараққиёт форумини ташкил этиш, молиялаштириш ва ўтказиш тартиби бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорини қабул қилиш. 2. Ижтимоий-иқтисодий, технологик, гуманитар, экологик ва бошқа соҳалардаги долзарб муаммолар ҳамда чақириқларга бағишланган таҳлилий марказлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг Тошкент глобал тараққиёт форумини ўтказиш.	2026 йил март 2026 йилдан бошлаб ҳар йили	Мувофиқлаштирувчи кенгаш, Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги, давлат таҳлилий марказлари ва илмий тадқиқот муассасалари

